



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ РЕЖА ОРТИҒИ БИЛАН

"Ўзбекўмир" очик акциядорлик бирлашмасининг темирйўл-транспорт бошқармасида конлардан қазиб олинаётган кўмирни ортши ва марказлашган станциягача бетафот етказиб бериш бўйича 10 ойлик иш режаси 111,2 фоизга адо этилди.

Тизимга бошқичма-бошқич янги техника ва ускуналар ўрнатилиши натижасида йил бошидан буюн биргина Ангрэн кўмири қонидан 115 639 тонна "қора олтин" қазиб олинди. Бу эса темирйўл-транспорт хизматида кўшимча манбалардан кенг фойдаланиш, иш суръатини ошириш имконини бермоқда.

Мунира ИСАЕВА.

КЕЛИШУВ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Козогистон темир йўл тармоғи вакиллари делегациясининг Ўзбекистонга ташири самарали бўлди.

Ташир чогида "Ўзбекистон темир йўллари" билан "Козогистон темир жолы" компаниялари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Икки республика темир йўллари туташган Келес, Сариев, Еттисай чегара бекатларини таъмирлаш, экспорт ва транзит юклар ташишни кўпайтириш юзасидан ҳам ўзаро келишувга эришилди.

Ақром АЛИМОВ.

МАРОҚЛИ САЁҲАТ

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари ҳамда меҳнат фахрийлари қадимий ва навқирон Бухоро бўйлаб саёҳатда бўлиб.

Харажатларни корхона касаба кўмитаси қоплади. Амир арки, Сомонийлар мақбараси, Ситорай Мохи Хосса, Минораи Калон, Чор Бакр, Чашмаи Айюб, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Лабиҳовуз ёдгорликлари зиёратчиларда катта таассурот қолдирди.

Озод ХУШНАЗАРОВ.


ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Мана бир ойки, мамлакатимиз фуқаролари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларига бўладиган сайловларга тайёргарлик руҳи билан яшашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қарори қабул қилинганидан буюн шунча фурсат ўтди. Сайловларни ноябрь-декабрь ойларида ўтказиш белгиланган. Бугун тайёргарлик палласи якунланиб, бевосита сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-сиёсий тадбирлар бошланмоқда.

Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида сайловларга тайёргарлик навбатдаги босқичга кўтарилди. Деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Адиба Аҳмад-жоновна. – Сайловга тайёр-

хуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил этилди. Сайловга тайёргарлик жараёнида вилоятимизнинг 21 та шаҳар ва туманида халқ депутатлари кенгашлари раисларидан ташкил этилган кўмаклашувчи комиссиялар, 1447 та маҳалладаги ишчи гуруҳларнинг фаолияти муҳим ўрин тутаетир. Улар сайловда иштирок этувчи вакилларни сай-



ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК, ҲУҚУҚИЙ ТЕНГЛИК

гарлик ишлари Сенат Кенгашининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида тасдиқланган тадбирлар дастурига биноан босқичма-бошқич амалга оширилди.

Кунга кеча комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Сайловларга тайёргарлик бошлангандан буюн амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, шаҳар ва туман комиссиялари ишчи гуруҳлари фаолиятини тахлил қилиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олдик.

Ўтган муддатда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунини сайловчиларга тушунтириш мақсадида жойларда суҳбатлар,

лашга бағишланган йиғинларни ўтказишди. Аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Шу мақсадда дастлаб минтақавий семинарлар ташкил этилиб, уларда вилоят кўмаклашувчи комиссия аъзолари ва ҳуқуқшуносларнинг маърузалари уюштирилди. Бу тадбирларга бевосита ҳудудларнинг ўзидаги машулотлар ула-ниб кетди. Жумладан, кунга кеча Куйичирик туманида шундай семинар ўтди. Унга туман кўмаклашувчи комиссия аъзолари ва ишчи гуруҳларининг аъзолари тақриб этилди. Машулот ошқора фикр олишув тарзида ўтди. Ташкилотчиларни сайловни ўтказиш билан боғлиқ кўпгина амалий масалалар қизиқтираётганини кўрдик. Саволлар кўп бўлди. Жумладан, икки маҳалла йиғилишини қўшиб ўтказиш

мумкинми? Оқсоқолликка номзод битта бўлган тақдирда нима қилмоқ керак? Номзодлар неча ёшда бўлиши мумкин? Иштирокчилар шу сингари барча саволларни чуқурлаштириш жараёнида маҳалланинг ўрни алоҳида. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги даставвал маҳаллада намоён бўлади. Шу маънода бошқарувнинг бу кўйи бўғинига қандай етакчи раҳбарлик қилиши катта аҳамиятга эга.

Маълумки, бугун жойларда 2006 йилнинг май-июни ойларида сайланган оқсоқоллар ва маслаҳатчилар иш юритишга ятайпти. Шубҳасиз, уларнинг ғайрат-ташаббуси билан маҳалларда гузарлар барпо этилиб, кичик-кичик корхоналар ташкил қилиниб, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилди. Улар маъ-

навий-ахлоқий тарбия, аиникса, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқаролар билан миллатлараро барқарорликни таъминлаш борасида кизгин иш олиб боришга ятайпти.

Маҳалла оқсоқоллари кеча-кундуз одамлар хизматида, уларнинг турмушини яхшилаш ташвишида яшашди. Улар ҳаммаша фуқаролар мушуқлини осон қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатида бўлишди. Бунинг учун шунчаки, иштининг ўзи камлик қилади. Шу боис бўлажак сайловларда ўз номзодини қўяётган кишининг ишчилик фаилатлари ва ташкилотчилик малакаларига алоҳида талаблар қўйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ГЕНЕТИК ОЛИМНИНГ ТАДҚИҚОТИ

Ўзбекистон Фанлар академияси номига Австриядан хушхабар олинди. Унда Вена университети молекуляр биология лабораторияси мудир Алишер Тўраев докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилганини баён этилган.

"Молекуляр биология" лабораторияси раҳбари сифатида амалга ошираётган тадқиқотлари унинг докторлик иши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу йирик изланиш пахта толаси ҳосилдорлигини оширишнинг генетик йўналишини ёритувчи тадқиқот сифатида эътироф қилинди.

Ақбар АЛИЕВ.

Конференция

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Устоз-шогирд" мавзуга бағишланган конференция ташкил этилди.

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда оммавий ахборот соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган журналистлар, етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, олий ўқув юртлири журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири С. Остонов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети доценти С. Умиров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида миллий матбуотимизни ривожлантириш-

ларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий телестанцияларда ёшлар студияларининг ташкил этилгани, ёш журналистларнинг касб маҳоратини оқсаттиришга йўналтирилган турли лойиҳалар, анжуманлар, ижодий мулоқотлар, ўқув семинарлари, медиа-форумларнинг ташкил этилаётгани бунинг далилидир.

Анжуманда миллий журналистика соҳасида "устоз-шогирд" аънаналарини давом эттиришга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида "Конституция – буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Тадбирда ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлиши Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маънун ва моҳиятини ўрганиш, халқимизнинг тафаккури ва маданиятини тарбиялашда муҳим ўрин эгаллаши таъкидланди.

Шунингдек, маърузачилар томонидан Конституция бўйича ёшларда мустақкам билимларни шакллантириш, унинг моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган "Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш" курслари махусу дастурлар асосида олиб борилаётганига айтиб ўтилди.


Маълумки, Адлия вазирлиги томонидан нафақат Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага таъриб қилиш, уни аввало тизим ҳодимларига мукаммал ўргатиш борасида ҳам бир қатор чоратадбирлар амалга оширилаётган. Конституция бўйича рефератлар танлови, "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусидаги кўрик-танлов шулар жумласидандир.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

"Туркистон-пресс".

"Энергоқозонтозалаш" очик акциядорлик жамиятида сўнгги бир йилда ба-жарилган ишлар ҳажми режадагидан қарийб 100 миллион сўмга ошди.

Фаолияти доирасида Ангрэн, Янги Ангрэн, Фарғона, Навоий ҳамда Сирдарё электр станциялари қозонларининг бегўхтов ишлашини таъминлаб келаётган корхона айна вақтда мажбуриятдан ташқари Топиларжон иссиқлик электр станцияси қозонларини ҳам таъмирлаб, мавсумга тайёрламоқда.



ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

– Бу ишга 15 ишчи ҳамда зарур механизмлар жалб этилиб, ҳозиргача 50 миллион сўмдан зиёд иш бажарилди, – дейди корхона директори Исқандар Ақромов. – Йил бошидан буюн шартномага мувофиқ бажарган ишларимиз 750 миллион сўмдан ошди.

Корхонанинг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида Пермь заводидан ҳар бири 75 миллион сўм қийматга эга 3 та юқори қисимли конденсаторлар сотиб олинди. Айна пайтда автоклагичлар учун заводга буюртма берилган. Бу ҳаракатлар самараси эса корхонанинг иқтисодий ривожланишига, шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида адо

этилишига замин яратди.

Ёшлар йили муносабати билан корхонада 15 та ёш мутахассис иш билан таъминланди.

– Техника университетини тугатиб мутахассислигим бўйича корхонага ишга келдим, – дейди Дилмурод Бўриев. – Тажрибали касб эгалари кўмагида иш ўрганиб, кам бўлмадим. Эндликда ўзим ҳам ёшларга баҳоли қудрат иш ўргатайман.

Корхонада касаначиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратиляпти.

– Шу йилнинг ўзида 10 киши иш билан таъминланди, – дейди И. Ақромов. – Уларнинг аксарияти корхонамиз учун махусу иш қийимлари, қўл-қоплар тайёрлашса, қол-

ганлари ободонлаштириш, металллом йиғиш билан банд.

Корхонанинг мўъжағина маънавият ва маърифат хонасида эса турли даврий нашрларнинг таҳламлирини кўрасиз.

– Кундалик нашрлар фаолиятимизнинг бир бўлаги, – дейди директор суҳбатимиз якунида. – Шунинг ҳисобга олган ҳолда ҳар йили обдун мавсумини уюшқоқлик билан ўтказамиз. Масалан, жамоамиз аъзоларидан 80 нафари "Тошкент ҳақиқати", 32 нафари "Ташкентская правда" газеталарига 2009 йил учун обдун бўлиш истагини билдиришди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

2009 обдуна "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" газетасининг индекси – 205. йил учун давом этмоқда

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК, ҲУҚУҚИЙ ТЕНГЛИК

Сайловларга тайёргарликнинг ҳозирги босқичида қандай ишлар амалга оширилади?

га олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Уларга тааллуқли ҳужжатлар сайловдан ўн кун илгари туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиб олиш учун тегишли кўмаклашувчи комиссияга топ-

ширилади. Номзодлар муқобиллик асосида кўрсатилмоқда. Маҳаллани Ватан ичидаги муъжаз ватанга муқояса қилишади. Айтиш жоизки, бўлажак сайловлар кўп жиҳатдан она-Ватанимизнинг

тақдирини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжihatлигини, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлаштирилиши ва ҳаётимизга синдирилишини

белгилади. Уни қонунчилик тамойиллари – демократия, холислик, очик-ошкоралик, ҳуқуқий тенглик асосида ўтказиш, энг муносиб номзодлар сайланишига эришиш бугунги долзарб вазифадир.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.



СУРАТЛАРДА: Қуйинчиқ туманида бўлиб ўтган семинар пайти.



Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Саломат бўлинг

МУОЛАЖА ТАШҲИСДАН БОШЛАНАДИ

Ҳанифахон тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Уни ўртачирчиқ туманидаги шифохонага ётқизишди. Шифокорлар дастлабки тиббий текширувлардан сўнг унда шомоллаш аломатлари борлигини, бир ҳафтадан кейин соғайиб кетишини айтишди.

Аммо, дори-дармон, муолажалардан кейин ҳам беморнинг аҳоли ўнганмади, аксинча оғирлашди. Яна қайтадан текширувлар ўтказилди. Ниҳоят, рентген натижасидан сўнг сил касаллигига чалинган, деган ташхис қўйилди. Бу нохуш хабар уни бутунлай эсанкиратиб қўйди. Наҳотки, оддий тумов ўпкасига ўтиб кетган бўлса?

Ҳанифахон тумандаги фермада сут соғувчи бўлиб ишлайди. Шифохонага ётишдан сал илгари ишга енгилроқ кийини келганди. Уша кун негандир шериқ қилиб кетди. Устига устак бирдан ёмғир бошлади. Ферма ичидаги елвизак этни жунжиктирди. У сизилдириди. У сизилдириди. У сизилдириди. У сизилдириди.

Уйдагилар бу хабарни эшитиб, танг ҳолга тушибди. Ақаси Шўхратжон шифокорга учрашди. Беморни илжой борица тезроқ Тошкентдаги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтига назоратдан ўтказиш зарурлигини таъкидлашди.

Касаллик энди бошланган, олдини олиш мумкин, – деди беш шифокор. Шўхратжон синглисини олиб, Тошкентга жўнади. Ҳанифани қайта-қайта текширувлардан сўнг институтнинг сил ташхиси бўлимига олишди. Шу кунданки шифокорлар ҳам, ҳамширалар ҳам Ҳанифага алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳеч гап йўқ, тезда оёққа туриб кетасиз, – деди бўлим мудири, олий тоифали шифокор Мавлуда Азимова. – Ўпкангизда озгина сув йиғилди. Шифокорлар тилида буни плеврит дейишади. Уша сувни олсақ, соғайиб, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Сизда ҳеч қандай сил касаллиги йўқ, хавотир олмаган.

Шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи Ҳанифанинг кўнглини кўтарди. – Ҳўш, аҳволлар қалай? – эрталабки назоратни Мавлуда Азимова Ҳанифадан бошлади. – Раҳмат, анча дурустман, энди руҳат берсангиз, уйга кетсам, – кўнглимса ради Ҳанифа.

– Хали шовилманг, муолажалар охирига етсин. Буткул тузалинг, шундан

ётқизишни талаб қилдим. Қабул қилган шифокорлар эса уни "ангина" ташхиси билан олиб қолди. Бош шифокор менга "Ҳали ёш экансиз, ташхис қўйишга шовилманг" деб танбех ҳам берди. Мен ўз фикримни исботлаш олмаганимдан афсусландим. Эртасига эса уша менга ташхис қўйишга шовилманг деган беш шифокор кўнғироқ қилиб, уэр сўради. Мендан бахтли одам бўлмаган эди ўшанда...

Мавлуда Азимова кейинчалик ўз фаолиятини республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтига давом эттирди. Бу ерда у кўплаб устозлар орттирди. Пульмонология бўйича ўзига хос мактаб яратган академик Абдулла Убайдуллаевнинг ўғилларини олди. Тиббиёт фанлари доктори Даврон Мухторов, профессор Мирсодиқ Муслимовдан тиббиёт силларини ўрганди. Айниқса, ўпка силга ташхис қўйишда профессор Сайёра Ориповадан ўрганганлари жуда кўп келди. Энди ўзи бу борада етакчи мутахассис.

Пульмонологияга оид касалликлар ўта жиддий бўлади, – дейди М. Азимова. – Бу масалада адашиш асло мумкин эмас. Баъзан сил деганимиз онкологик касал ҳам бўлиб чиқади. Шу боис касалликка ташхис қўйишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Бугунги кунда институтимизда энг замонавий тиббиёт устозлари, ташхис лабораториялари мавжуд.

Дарҳақиқат, Германияда яратилган Референс лабораторияси касалликни аниқлашда энг қулай тиббиёт нади. Бунун бундай тиббиёт жиҳозларни институтнинг бошқа бўлимларида ҳам учратиш мумкин. Замонавий технология бўлгани билан унинг тилини ҳам тушуниш керак. Бу борада институтда малакали шифокорлар етарли. Қолаверса, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Республика Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриямал бўлиб келтириб. Биз буни шифохоналаримиз ҳар бир бўлимида кўнатишдик.

Улугбек ХАМРОКУЛОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Турли касб эгалари

Бўка туманида бўлиб, Жалиловлар хонадони ҳақида суриштирсангиз, бу сулола ҳақида кўпчилик илик, самимий фикр билдириши турган гап. Негаки, ота-боболари касбини ардоқлаб, хунармандчилик ортидан, ҳалол меҳнат, пешона тери эвазига рўзгор тебратётган Облоёр Аширматов бошлиқ хунармандлар оиласига кўпчилик бўлакча эҳтиром, ҳавас билан қарашади.

шақурнома ва эсдалик совгалари тортиқ этилди. – Тенгдошларимиз, ўсиб келаятган ёшларимиз ўқиб, ўрганиш, замонавий билимларини бойитиш билан бир қаторда маълум бир хунармандчилик ҳозирдан эгаллаб

китоб жуда зўр ёзилган экан. Қойил қолдим. Бир ўтиришда ўқиб чиқдим. У ёзувчининг отаси, бир умр темирчилик қилиб, оила тебратган, икки кам юз ёшида дунёдан ўтган уста Амин бобо ҳаёти ҳақида

ТЕМИРЧИДАН ҚОЛАЁТГАН ТИЛЛОЛАР

Бизнинг «Тошлоқ» маҳалламизда хунарни улуглаб, фарзандларини меҳнатга ургатиб тарбиялаётган оилаларнинг кўпчилигида қувонамиз, – дейди маҳалла оқоқоли Бахтиёр Холиқов. – Уста Жалиловлар сулоласи ана шундай ҳавас қилса аригулик оилалардан. Бир вақтлар уста Жалилов бошлаган темирчилик ҳўнари бугун бу хонадоннинг асосий тирикчилик манбаига айланган. У ўз вақтида жуда обрўли, кўли гул усталардан бўлган. Оддий хонадон рўзгорига керак бўлган буюмлар, айтилайлик, болта, ўроқ, ошпичок, белкурагу кетмонлар ясаб, эл-юртнинг дуосини олган. Ҳозир ҳам кўкса деҳқонларимизнинг қўлига бирор яхши кетмон тушиб қолса, ҳеч муболагасиз, «Уста Жалилнинг кетмонидан бўлибди», деб қўйишади. Бу ҳам инсондан қоладиган бир эзгулик.

икки йилда тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўрта-сида аънаваний тарзда ўтказиб келинадиган, «Ташаббус» кўрик-танловининг тўнма ҳақида вилоят босқичларида голиб чиқиб, «Энг яхши хунарманд» номига лойиқ кўрилди. Буюмлари хамиша харидориг, қўлмақўл. Буюртмалар қийин-қийин оқиб келаверади. Энг муҳими, у ясаётган буюмлар ишончли, мустаҳкам, оловда тобланган, иш энди қизиқанда панд бермайди. Харидорлар унга ишонганидан Нарҳини ҳам инсоф билан айтиди, бировнинг бетига қараб «фалон сўм» демайди...

борсалар, яхши бўларди, – дейди Элёр. – Айниқса, ўғил болалар оила, рўзгор учун керакли ашё-анжомларни ясаш, ҳеч бўлмаса таъмирлашни билишлари шарт, деб ўйлайман. Биргина шунинг ўзидан оилага қанча ёрдам бериш мумкин. Қолаверса, хунармандчилик яхшигина даромад манбаи ҳам. Айтишди-ку, хунарли хор бўлмас, деб.

Биз бу китобни ўқиб кўрмаганимиздан бироз хиҷолат тортид-у, Элёрнинг фикрларига қўшилмасликнинг иложини тополмадик.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Холиқов Элёр Аширматовни навбатдаги мукофот билан табрикламоқда.

Хусанбой АВАЛОВ олган сурат.



Қонун ва шарҳ

2008 йил 27 июлда қучга кирган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишига нисбатан сабаб бўлган эди? Унинг ижроси бўйича жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Узбекистон Республикаси Давлат мўлки қўмитаси ҳузуридagi Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ғайрат Абдуллаев билан шу ҳақда сўхбатлашдик.

бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича давлат сийосатини амалга ошириш, акциядорлик жамиятлари акция пакетларини қонунчилик талаблари даражасига келтириш, қимматли қоғозлар ягона давлат реестрини юритиш, қимматли қоғозлар бозори таркибининг ривожланиши ҳақида маълумотлар базасини яратиш, акциядорлик

жарайн иқтисодийнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатаётган. Фонд бозорида мулкдорларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўшбу бозор имкониятларидан фойдаланиш, молия бозорининг тўлақонли иштирокчиларига айланишлари учун янги қонун қандай аҳамиятга эга бўлди, деб ўйлайсиз?

– Бу қонун мамлакатимизда

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

фаолиятига оид янги қонундаги янгиликлар мутахассислар назарида

лаштириш мақсадида ваколатли давлат органлари (Молия вазирлиги, Марказий банк ва Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази) ўртасида ўзаро ахборот алмашуви жорий этилди.

Вилоятда 2008 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра 114 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари рўйхатга олинган бўлиб, 22905120663 сўмга, муомалага чиқарилган акциялар 43115515 донга етди. Вилоятда қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатуви битта ХИФ, битта реестр юритувчи компания ва «Тошмисинвест» инвестиция фирмаси фаолият кўрсатмоқда.

Хусусий мулкдорлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг иқтисодийдаги салмоқини оширади. У тўғрйли қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларимиз тартибга солинади, амалдаги қонунлар нормаларини бир-хиллаштириш мумкин бўлади.

Тўхтамурод ТОШЕВ сўхбатлашди.

МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Маънавий мерос ва миллий кадриятлар» мавзусида тадбир ўтказилди.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда талабаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларга муносабат билдирилди. Талаба-ёшларнинг миллий кадриятлар, аънавлар, турли урф-одатларга бўлган муносабатлари юқори эканлиги кайд этилди. Тадбирда «Миллий кадриятлар ва ёшлар», «Миллий кадриятларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Талаба-ёшларнинг бу борадаги билимлари виқторина уйинлари орқали синовдан ўтказилди.

«Туркистон-пресс».

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ вилоятдаги барча юридик истеъмолчилар билан 2009 йилга электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома тузаётганини маълум қилиб, келгуси йил учун жорий йил охиригача шартнома тузмаган ҳамда замонавий электрон ҳисоблағич ўрнатмаган юридик истеъмолчиларга 2009 йил 1 январдан бошлаб электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилишини маълум қилмоқда. Истеъмолчилар шартнома тузиш масаласи бўйича вилоятнинг жойлардаги туман ва шаҳар электр тармоқларига мурожаат қилишлари лозим. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муртазов кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 236-94-24, 236-69-90. «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ.

1. Посольство Республики Казахстан в Республике Узбекистан объявляет о продаже принадлежащих Посольству квартир в г. Ташкенте. Контактный телефон: 252-16-54. 2. Посольство Республики Казахстан в Республике Узбекистан принимает предложения по разработке ПСД административного здания Посольства Республики Казахстан. Телефоны: 252-16-54, 181-70-01.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги мулклар қўйилмоқда:

I. Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 26.09.2005 йилдаги 11-0523/4828-сонли суд буйруғи ва 22.10.2007 йилдаги 11-0723/8909-сонли, 29.10.2007 йилдаги 11-0715-8303-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Чиноз тумани МТП ҳовлисида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "УАЗ-469Б" русумли, д/р 11АВ460 бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 204 224 сўм. 2. "КАВЗ-685" русумли, д/р 11АО272 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 883 446 сўм. 3. "ЗИЛ-133ГЯ" русумли, д/р 11АО278 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 545 524 сўм. 4. "ЗИЛ-130" русумли, д/р 11АО279 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 995 037 сўм. 5. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО281 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 059 540 сўм. 6. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО286 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 024 759 сўм. 7. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО290 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 132 822 сўм. 8. "ГАЗ-52" русумли, д/р 11АО297 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 530 949 сўм. 9. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО293 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 218 135 сўм. 10. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО298 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 012 509 сўм. 11. "ГАЗ-53" русумли, д/р 11АО300 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 024 759 сўм.

II. Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг 15.08.2008 йилдаги 53/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳар "Бекободсавдо" МЧЖга оморидида сақланаётган, "Дамас" русумли, д/р АХ3565РТ02 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 6 000 000 сўм.

III. Пискент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 29.12.2007 йилдаги 11-0717/11003-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани ДМК-3 корхонасига тегишли, Охангарон тумани, Қорахот қишлоғи промзонада сақланаётган, "Экскаватор ЭО-512А" русумли, 1991 йилда и/ч техника воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 229 000 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 18 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда.

I. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент тумани, Тошкент ш/х, Биниода кўчаси, "Кандрат-Давоо" ХК оморидида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Зангиота туман судининг 22.07.2008 йилдаги 5-425-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Т-28Х4М" русумли, д/р 5123ЕР бўлган, 1986 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси - 4 000 000 сўм. 2. ЖИБ Кибрай туман судининг 23.06.2008 йилдаги 6-1257-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-6631" русумли, д/р 11Q7334 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 5 000 000 сўм. 3. ЖИБ Тошкент туман судининг 17.07.2008 йилдаги 308-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-452" русумли, д/р 11L2019 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 000 000 сўм. 4. ЖИБ Тошкент туман судининг 08.07.2008 йилдаги 4191-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-66" русумли, д/р номаълум, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 400 000 сўм.

II. Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 26.06.2008 йилдаги 1-727/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, РАТБ "Фаллабак" Тошкент вилояти ф-лида сақланаётган, "Камаз-5320" русумли, д/р 11L8862 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 24 173 000 сўм. 2. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 26.02.2008 йилдаги 11-0824/92-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Паркент тумани ДСИда сақланаётган, "МТЗ-80" русумли, д/р EP5643 бўлган, 1991 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси - 3 180 000 сўм.

III. Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Янгийўл туман судининг 05.12.2007 йилдаги 780-2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ оморидида сақланаётган, "ГАЗ-66" русумли, д/р номаълум, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси - 2 457 600 сўм.

IV. Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 30.04.2007 йилдаги 11-0719/1544-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Гидравлика" УТДга тегишли бўлган, Зангиота тумани, Уртаовул кўрғони, А.Темур кўчаси, 102-уй манзилида жойлашган, майдони 417,20 кв.м бўлган, "Омборхона биноси". Жорий бошланғич баҳоси - 11 740 800 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ишторокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтаилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган зақалат қилиш шартини асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210006500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов к.м. Ўзразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.tkmb.uz

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 9 columns: Dushanba 3, Geshanba 4, Chirshanba 5, Pajshanba 6, Jumma 7, Shanba 8, Yakshanba 9. Each column lists TV programs with their start times and channel names.

ГРИППГА ЧАДИНМАЙ ДЕСАНГИЗ

танангизни чиққиринг, тоза ҳавода кўпроқ сайр қилинг

Хозирги кунда республикада грипп ва бошқа ўткир респиратор вирус касалликлари буйича эпидемиологик барқарорлик сақланмади турди. Лекин аҳоли миграцияси грипп касаллигини республикамиз, жумладан, вилоятимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиши хавфни тугдирди. Бунинг олдини олиш ҳамда ушбу касалликлар авж олганда тезкор чоралар кўриш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда санитария-эпидемиология назорати марказлари эпидемик аҳамиятга молик объектларда текширишлар ўтказмоқда. Хусусан, гриппга қарши профилактик эмлаш бошлаб юборилди. Гриппнинг оғир турлари билан касалланганлар учун шаҳар ва туманлардаги шифоналарда қўшимча ўринлар ажратилди, зарур дори-дармонлар захираси тайёрлаб қўйилди. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вирусологик таҳлилхонаси грипп таҳисин учун керак бўлган реактивлар билан тўлган таъминланди.

Ҳўш, грипп ўзи қандай касаллик?

Грипп – жуда юқумли касаллик бўлиб, вақти-вақти билан тарқалиб турадиган эпидемия ва пандемиялар пайtida дунёдаги кўп мамлакатларда миллионлаб одамлар ушбу касаллик билан оғрийди. Бунда организмнинг барча ҳимоя воситалари суявди, юрак-қон томир ва сурналки ўпка касаллиги бор беморларнинг аҳоли оғирлашади.

Грипп инфекциясини тарқатувчи бирдан-бир манба грипп билан оғирланган бемор ҳисобланади. У аксирганда, йўталганда, гапирганда сўлақ, балғам зарраларни грипп вирусларини ажратади. Бу микроблар ҳаво орқали соғ одамнинг нафас йўлларида ўтиб, касаллик кўзгатади. Шунингдек, касаллик бемор фойдаланган буюмлар, масалан, дастурмой, сочқ, идиш-товоклар ва бошқа воситалар орқали ҳам юқиши мумкин.

Гриппнинг яқинин (инкубация) даври жуда қисқа, бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади. Касаллик беморнинг эти увишади, кўп ўтмай, иситмаси чиқади, бунда харо-

ратнинг жуда юқори – 40 даражагача этиши кузатилади. Болаларда кўпинча томир тортишади. Бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, бутун бадан, айниқса, бел-думгаза қисмининг қачшаб оғриши, қаттиқ терлаш гриппга хос белгилардир. Бу пайтда бемор инжик бўлади, оғзи қуриydi, тилни қараш боғлайди, иштаха йўқолади, баъзан бурун қонайди.

Баъзи беморлар гриппни "оёқда" ўтказиб, хато қилиши. Гриппнинг оғир-енгиллигидан қатъий назар, бемор иситмаси тушгандан кейин ҳам 2-3 кун ўрнида этиши керак, айниқса, ёш болалар ва кексалар бунга қатъий амал қилишлари лозим. Шунда касаллик асорат қолдирмайди ва тарқалиш хавфи қамаяди. Беморга ёрдам кўрсатилганда оғиз ва бурунга доқадан тўрт қаватли ниқоб тутиб олиш лозим. Бемор тез-тез суяқлик ичиб туриши керак, чунки, суяқлик билан организмдаги зарарли моддалар чиқиб кетади. Шунингдек, С витаминига бой лимони, марабболи чой, мева шاربатлари бериб турилса фойдали бўлади. Беморга тўйимли, тез ҳазм бўладиган оқватлар, ҳўл-мевалар ейиш, сўт, қатик ичиб туриш тасвия этилади.

Касалликнинг олдини олиш тадбирлари асосан уч йўналишда ўтказилади: аҳоли касалликка қарши эмланади, касаллик манбаи бравакт ажратиб қўйилади, инфекциянинг тарқалмаслиги чора-тадбирлари қўрилади.

Аҳолини гриппга қарши эмлаш бу борада энг самарали воситадир. Маълумотларга қараганда гриппга қарши эмлаш ҳозир дунёнинг кўпгина мамлакатларида қайд этилаётган "паранда гриппи" касаллигини олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Органализми чиққирини ҳам грипп билан касалланганининг олдини олади. Соф ҳавода кўпроқ сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш инфекцияга нисбатан организмнинг умумий қаршилиқ кучини оширишда жуда кўп келади.

Фофур ТОЖИБОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори муовини.

2008 йил – Ёшлар йили

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари томонидан тасвир этилган "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар", "Таълим грантлари" ва "Спорт грантлари" дастурлари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлди.

Саройга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим тизими мутасаддилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, уларнинг ота-оналари ташриф буюрдилар. Он-лайн тизимида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вакиллари, турли танловлар, грантлар ғолиблари, иқтидорли ёшлар маросимини бевосита кузатиб бориш, ўзаро мулоқот ўрнатилиши имконига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ишларнинг амалиётида ёш авлод қувватлаш ва рағбатлантириш, фаол ёшларнинг энг илгор гоя ва ташаббуслари

МАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Йўлида

Юртимизда ўтказилган "Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларда маданий туризмни ривожлантириш ва оммалаштириш масалалари" мавзусидаги халқаро анжуман қатнашчилари пойтахтдаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетидан бўлиб ўқув жараёнида ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

Самимий тарзда кечган мулоқот ва савол-жавобларда Юнесконинг бугунги кунда турли йўналишларда олиб бораётган фаолияти ва унда Ўзбекистоннинг ўрни хусусида сўз борди. Айтиш лозимки, ўтган тўрт кун мобайнида халқаро анжуман иштирокчилари Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарларга саёхат қилишди. Шу ўринда меҳмонлар Буюк ипак йўлини нафақат савдо йўли балки, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси бўлганини, уни тиклашда Ўзбекистоннинг иштираки алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлашди. Анжуман иштирокчилари Юнесконинг режалаштириётган ишлари хусусида ҳам талабаларга атрофлича маълумот беришди.

"Туркистон-пресс".

ни ҳаётга татбиқ этиш йўлида мадад кўрсатиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Жамғарма томонидан муваффақиятли ўтказилган

сининг таълим соҳасидаги йирик лойиҳаларидан. Дастлабки йили "Таълим грантлари" дастурида йигирма саккиз нафар ёш иштирок этган бўлса, жорий ўқув йилида жамғарманинг ҳар уча-

ган таълим гранти дастурида ғолиб бўлганимдан беҳад манмунам, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Бобур Назармуҳамедов. – Юртимизда барча жабҳаларда ёшлар истеъдодини тўлиқ намоён бўлиши, уларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш, жамиятимизнинг ишончи ва таяничи айлиниши учун барча шароитлар яратилган. Бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларни Ватанимиз, халқимиз олдидаги масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этишга, фаол бўлиш, астойдил ўқиб-изланиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этади.

Тадбирда "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар", "Таълим грантлари" ва "Спорт грантлари" дастурлари ғолибларига дипломлар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта мусиқий дастур намойиш этилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЗаА мухбири.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

ликни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳалардаги тўб ижобий ўзгаришлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, пухта билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Иқтидор эгаларини аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, фаол ёшларнинг энг илгор гоя ва ташаббуслари

"Навирон Ўзбекистон", "Келажак овози", "Янги авлод", Дизайн ва мода ҳафталиги сингари кўплаб ижобий лойиҳалар, кўрик-танловлар, фестиваллар, таълим соҳасидаги грант дастурлари, интеллектуал беллашувлар бунинг далилидир.

"Иқтидорли талабалар учун стипендиялар", "Таълим грантлари" ва "Спорт грантлари" дастурлари – "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан тасвир этил-

ган таълим гранти дастурида ғолиб бўлганимдан беҳад манмунам, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Бобур Назармуҳамедов. – Юртимизда барча жабҳаларда ёшлар истеъдодини тўлиқ намоён бўлиши, уларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш, жамиятимизнинг ишончи ва таяничи айлиниши учун барча шароитлар яратилган. Бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларни Ватанимиз, халқимиз олдидаги масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этишга, фаол бўлиш, астойдил ўқиб-изланиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этади.

Тадбирда "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар", "Таълим грантлари" ва "Спорт грантлари" дастурлари ғолибларига дипломлар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта мусиқий дастур намойиш этилди.

– "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан тасвир этил-

Ҳаёт сабоқлари

Уйимиздан сал пастроқда арик оқиб ўтади. Сувнинг салқини уради чоғи, ёш болалар ўша ерда ўйнашади.

Кечки пайт сув олиш учун ариққа бордим. Бир тўда ёш қизалоқлар бир-бирларига сув сепишиб, шоду хандон ўйнашяпти. Челақларимга сув олаётсам, қаердандир момақаймоқ пари учиб келиб, юзимга урилди. Шу пайт энди биринчи синфга борган Хуршида ўша парини аёвлай ушлаб олди-да, бийрон тиллари билан "Кимни ёмон кўрасиз?" дея сўради. Ёш қизачанинг саволидан таажужубга тушдим.

– Агар кимда-ким ёмон кўрган одамни шу парига айтиб, уни учириб юборса, у ўша одамни топиб бориб, жазолайди, – деди қизча гўё шуни ҳам билмайсиизи дегандек.

– Менинг ёмон кўрган одамим йўқ, ҳаммамни яхши кўраман. Ҳаммамни яхши кўрадиганча, дугонаси Гўлнўзга юзланди. Икки дугона жажжи қўлларидан ушлаб турган момақаймоқ парига нималарнидир пириллашди-да, уни пуфлаб учуриб юборишди.

– Ҳўш, пучуқлар, уни кимнинг олдида учуриб юборинглар? – қизчаларни эркалаб сўрадим. – Ҳеч кимга айтиб қўймайсизми? – Гўё муҳим

сирини ошкор этаётгандек сўрашди улар.

– Йўқ, – Гулноз уни дадасининг олдида учуриб юборди, –

ган қизчанинг қўлларини ушлаганча, сўрадим:

– Нега дадангиз ёмон кўрасиз? Ахир дадалар яхши бўлади-ку.

ОТАЛАР – ОИЛАНING ОРИ



қулोगимга шивирлади Хуршида.

– Нега? – У дадасини ёмон кўради.

Момақаймоқ пари учиб кетган томонга қараб тур-

– Йўқ, дадам ёмон, – кафтмидан қўлчаларини тортиб олди қизалоқ, – Ҳар кунни ичиб келиб, ҳаммамизни уради. Ҳатто, касал ётган опамни "Бу кунингдан ўлганинг яхши, жоним-

– Йўқ, дадам ёмон, – кафтмидан қўлчаларини тортиб олди қизалоқ, – Ҳар кунни ичиб келиб, ҳаммамизни уради. Ҳатто, касал ётган опамни "Бу кунингдан ўлганинг яхши, жоним-

га тегиб кетдинг" деб роса дўпўсплайди.

Муштдеккина қизчанинг гаплари мени ҳайратга солди. Уйланиб қолдим. Ахир шў ёшида қизалоқнинг кўнглида отасига нисбатан шунча нафрат бўлса?...

– Алишер исми ўқувчим бор, – дейди мактабда муаллима бўлиб ишлайдиган танишим. – Қачон кўрманг, маъюс юради. Бир кун қалбига кўл солиб кўрдим. Кўнглини ёзди. Оиласида шароит анча оғир экан. Отаси иши юришмагандан ичкилики берилган. Онаси рўзгорни юришти учун бозорга чиқиб кетган. Фарзанд тарбияси билан ҳеч ким шуғулланмайди. Онаси билан бинойидек бозор-чар қилиб юрган катта акасини ҳам нима жин урган, қарзи қўлайиб кетибди.

Қарзини сўраб келувчилар дастидан ҳар кунни уйда уруш-жанжал. "Ҳаммасига отам айбдор, катта бўлсам, ундан ўч оламан" деганини эшитиб, анча вақт ўзимга келолмай юрдим...

Оталарни биз ҳаммаша оиланинг ори деб билганмиз. Шундай экан, фарзанд тарбиясида нозик масалаларга хонадон устунлари бўлиш ота-оналар жиддий ёндашсалар нур устига аёло нур бўлур эди. Ахир ҳалқда "Экканингчи ўрасан" деб беҳизга айтишмайди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Шундан кейин

ҚОНЛИ МУСИҚА

Перулик уч нафар ёш йигит гитарада муסיқа чалиш буйича "қахрамон" бўлишди. Улар ушбу муסיқа асбобида 55 соат тўхтовсиз куй чалишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Бу "марафон" янада узоқроқ давом этиши мумкин эди, лекин навбатчи шифокор уни тўхтатиб қўйди, чунки муסיқачиларнинг бармоқлари қонга беланиб кетганди.

ТИНЧИМАГАН ЯПОНЛАР-ЕЙ...

Дунёдаги янгиликларнинг ярми японларга тўғри келади, десак муболаға бўлмас. "Симидзу" компанияси яна бир катта ишга кўл урди: бадавлат кишилар 2020 йилнинг нари-берисида фазовий мезмон-хонада дам олиб, маънавий оқватларни истеъмол қилишлари мумкин.

Бу меҳмонхона ердан 450 километр баландликда "осилиб" туради. Унда концерт ва спорт зали, шунингдек, ресторани ҳам бўлади. Бир ҳафталик сафар ҳар бир сайёҳ учун канида 900 миң долларга тушади.

"FRIENDS COMPANY" LTD кўшма корхонасига С. Раҳимов туман ДСИ томонидан 2001 йил 9 октябрда № 2122 рақам билан рўйхатдан ўтган назорат касса аппарати ҳисоботини юришти китоби йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

П. Боровский номидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1995 йилда Бабад-жанава Зулумур Абдуллаева номига берилган № 066871 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранный гос. ордер № 10-01/9942 от 17.06.1994г. права собственности на квартиру Ким Радиона Борисовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВительным.**

Утеранный кадастровый документ за № 2540381460 (2629) на земельный участок, расположенный по адресу: г. Ташкент, Юнус-абдуқоди р-н, 14-квартал, ул. Т. Захидова, 24"Б" на магазин ООО "ASIA FARM MEDICAL", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВительным.**

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 1994 йилда Ташпулатова Зумрад Камалитдинована номига берилган 4151 № 054438 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "FAVORIT-M" ИНН 202234774 соошават об уменьшении Уставного фонда с 500 тыс. долларов США до 372 тыс. долларов США. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 241-83-93.

ООО "SHARQ PLAST SERVICE" соошават, что 25 ноября 2008 года в 15.00 часов будет проводиться внеочередное общее собрание участников ООО "SHARQ PLAST SERVICE", созываемое по инициативе участников общества. Место проведения собрания: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Зиялилар, 4-Г.

Гос. ордер № 01-01/5185, выданный 20 февраля 1993 г. хокимиятом Акмал Икрамовского района г. Ташкента на имя Заценной Наталье Александровне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВительным.**

Бекобод тумани хокимлиги жамоаси тумандаги «Фарсунод-агро» чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари **Муҳаммадали Вахобович РАСУЛОВ**нинг вафоти муносибати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Судуку

Бўйи ва зни бўйлаб 1 дан 9 гача бўлган сонлар, шунингдек, 9 та 9 хонали ажратилган блокларда ҳам 1 дан 9 гача бўлган рақамлар такрорланмаслиги шарт.

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|--|--|--|
| 4 | 7 | 9 | | 5 | 6 | 1 | | | | |
| | | | 5 | 6 | 7 | | | | | |
| 6 | 2 | 5 | 4 | 9 | | 8 | 7 | | | |
| 1 | 8 | 4 | 7 | 9 | 6 | | | | | |
| 9 | 7 | 8 | 2 | 1 | 5 | | | | | |
| | 5 | | 4 | 1 | 9 | 7 | 8 | | | |
| 5 | 3 | | 7 | 4 | | 1 | 9 | | | |
| 8 | | 1 | 9 | 3 | 7 | | 6 | | | |
| | 9 | 2 | 6 | 8 | | | 5 | | | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|--|--|
| | 5 | 4 | | 8 | 6 | | 9 | 7 | | |
| 6 | | 7 | 3 | | 9 | 1 | | 8 | | |
| | 1 | | | 7 | | | | 3 | | |
| 8 | 9 | 6 | | 4 | 3 | | 2 | | | |
| | 4 | | | 3 | | 6 | | | | |
| 2 | | 6 | 5 | | 7 | 4 | | 1 | | |
| | 8 | | | 4 | | | 2 | | | |
| 4 | | 2 | 7 | | 5 | 8 | | 3 | | |
| | | 6 | | | | | 7 | | | |

Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Кулганга нима ётсин
Кечқурун автобусдан тушган қария кўчада тентираб юрган мастдан сўради:
– Уғлим, "Сағбон" кўчасига қандай борсам бўлади?
– Бобой, хозир м..мен ўзимнинг к... кўчамни ҳам тополмайман.

Ака укасига деди:
– Ука, пул масаласида қийналмаяпсанми, ишқилиб?
– Йўқ, ака хавотирланманг, пулим кўп.
– Унда юз миңг сўм бериб тур.

Афанди бир кунни уйига меҳмон бошлаб келиб, хотинига деди:
– Дарров нон ёп!
Хотини уришиб деди:
– Уйингизда бир сиким ун йўқ.

нонни нимадан ёпаман?
– Ундоқ бўлса, ёглик патир қила қол, – деди Афанди.

Имтиҳонда домла талабадан сўради:
– Сиз неча хил балиқни биласиз?
– Икки хил – пишган ва хом балиқни.

Ўқитувчи ўқувчини саволга тутапти:
– Дарсга нега қаламсиз келдинг?
– Қалам бўлиши шартми?
– Нега шарт эмас? Солдат жангга қуролсиз кирса уни ким дер эдинг?
– Уни офицер дер эдим.

Рассом хандаси



Изоҳга ҳоҷат йўқ.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Элрон ва Билдирлардаги факт ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун ре-клама ва эълон берувчилар масъулдир.